


VIII. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ

Мамлакат ташқи иқтисодий фаолияти, хусусан ташқи савдо соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг пировард натижаси аҳолининг турмуш даражасига бевосита ўз таъсирини ўтказди.

2020 йил январь-сентябрь ойлари якуни билан вилоятнинг ташқи савдо айланмаси (матнда ТСА) 2 000,9 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 70,2 млн. АҚШ долларига ёки 3,6 % га ўсди.

Ташқи савдо айланмаси ва баланси
(январь-сентябрь, млн. АҚШ доллари)



Маълумот учун: Андижон вилояти товарлар ташқи савдоси статистика кўрсаткичларини шакллантиришда, Ташқи иқтисодий фаолият Товар номенклатураси (кейинги ўринларда - ТИФ ТН) билан биргаликда, Бирлашган Миллатлар Таъкилотининг Халқаро стандартлашган савдо таснифлагичи (кейинги ўринларда - ХССТ) ишлатилади. Бу ўз навбатида таҳлилий мақсадларда экспорт ва импорт қилинадиган товарларни 10 та катта қисмга гуруҳлаш учун имкон беради. Товарларни ХССТ бўйича кодлаштириш, ТИФ ТН ва ХССТ ўртасида ўтиш калитлари ёрдамида амалга оширилади.

**Андижон вилояти билан ташқи савдо айланмаси
энг юқори улушга эга бўлган давлатлар
(2020 йил январь-сентябрь, млн. АҚШ доллари, улуши,% да)**

ТСА да экспорт ҳажми 403,7 млн. АҚШ долларига (2,9 % га камайди) ва импорт ҳажми 1 597,2 млн. АҚШ долларига (5,4 % га ўсди) етди. Ҳисобот даврида –1 193,4 млн. АҚШ доллари қийматида пасив ташқи савдо баланси қайд этилди.

| Топ-10 давлатлар | ТСА | Экспорт | Импорт | Улуши, % да |
|-------------------------|---------|---------|---------|----------------|
| Корея Республикаси | 1 010,4 | 0,4 | 1 010,0 | 50,5 |
| Хитой Халқ Республикаси | 240,6 | 42,6 | 198,0 | 12,0 |
| Россия Федерацияси | 204,9 | 53,2 | 151,7 | 10,2 |
| Қирғиз Республикаси | 182,7 | 161,9 | 20,8 | 9,1 |
| Қозоғистон | 116,8 | 108,2 | 8,7 | 5,8 |
| Туркия | 48,7 | 7,9 | 40,9 | 2,4 |
| Таиланд | 48,6 | | 48,6 | 2,4 |
| Чехия Республикаси | 15,7 | 67,1 | 15,6 | 0,8 |
| АҚШ | 14,0 | | 14,0 | 0,7 |
| Бразилия | 13,5 | 0,3 | 13,1 | 0,7 |

Сўнгги йилларда ҳукуматимиз томонидан саноат тузилмасини диверсификация қилишда, экспортни қўллаб-қувватлаш, импорт ўрнини босувчи товар ва маҳсулотларни ишлаб чиқаришни янада оширилиши натижасида, экспорт таркибида сезиларли ўзгаришга эришилди.

Андижон вилояти, жаҳоннинг 66 дан ортиқ мамлакатлари билан савдо алоқаларини амалга ошириб келмоқда. ТСА нинг нисбатан салмоқли ҳиссаси Корея Республикасида (50,5 %), Хитой Халқ Республикасида (12,0 %), Россия федерациясида (10,2 %), Қирғиз Республикасида (9,1 %), Қозоғистонда (5,8 %) ва Туркия (2,4 %) қайд этилган.


Шунингдек, қўшни давлатлар билан ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш, мамлакатларни ижтимоий-иқтисодий, савдо-саноат ҳамда маданий соҳалардаги алоқаларни ривожлантириш борасида катта ишлар амалга оширилаётганини кўриш мумкин.

Хусусан, қўшни давлатлар Қозоғистон ва Қирғиз Республикалари билан ТСА да сўнгги йилларда катта ўзгаришлар кузатилаяпти. Мисол учун, сўнгги уч йилда ТСА Қирғиз Республикаси, Тожикистон ва Афғонистон билан ташқи савдо айланмаси ошгани кузатилмоқда.

Бошқа давлатлар (қўшни давлатлардан ташқари) билан эса, ТСА да энг юқори улуш Россия Федерацияси, ХХР, Корея Республикаси ва Туркия давлатлари ҳиссасига тўғри келган.

Вилоятимизда ташқи савдони қўллаб - қувватлаш ҳамда МДХ давлатлари билан ушбу соҳадаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар натижасида, 2020 йил январь-сентябрь ойларида, ташқи савдо айланмасида МДХ давлатларининг улуши 26,4 ни ташкил этиб, ташқи савдо айланмаси 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 13,9 % га ўсган.

МДХ ва бошқа хорижий давлатлар билан ташқи савдо айланмаси динамикаси
(2020 йил январь-сентябрь, млн. АҚШ доллар, улуш, % да)



Бошқа хорижий давлатларнинг ТСА си 2020 йил январь –сентябрь ойларида 2019 йилнинг шу даврига нисбатан ўсди (0,4 % га) ва жами ТСА даги улуши 73,6 % ни ташкил этди.

**Андижон вилоятининг ҳамкор давлатлар билан ташқи савдо айланмаси
динамикаси**

(2020 йил январь-сентябрь, млн. АҚШ доллари, улуши,% да)


| Давлатлар | 2019 йил | 2020 йил |
|----------------------------|----------------|----------------|
| Корея Республикаси | 1 020,9 | 1 010,4 |
| Экспорт | 0,8 | 0,4 |
| Импорт | 1 020,1 | 1,0 |
| Сальдо | -1 019,3 | -0,6 |
| ХХР | 219,2 | 240,6 |
| Экспорт | 95,4 | 42,6 |
| Импорт | 123,8 | 198,0 |
| Сальдо | -28,4 | -155,4 |
| Россия Федерацияси | 172,6 | 204,9 |
| Экспорт | 51,5 | 53,2 |
| Импорт | 121,2 | 151,7 |
| Сальдо | -69,7 | -98,5 |
| Қирғиз Республикаси | 166,8 | 182,7 |
| Экспорт | 143,9 | 161,9 |
| Импорт | 22,9 | 20,8 |
| Сальдо | 121,0 | 141,1 |
| Қозоғистон | 102,3 | 116,8 |
| Экспорт | 87,6 | 108,2 |
| Импорт | 14,7 | 8,7 |
| Сальдо | 72,9 | 99,5 |
| Туркия | 37,6 | 48,7 |
| Экспорт | 10,8 | 7,9 |
| Импорт | 26,8 | 40,9 |
| Сальдо | -16,0 | -33,0 |

Андижон вилоятининг экспорти

Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида вилоятнинг экспортёрлари сони 377 тани ташкил этиб, улар томонидан 403,7 млн. АҚШ доллари (қимматбаҳо металллар экспортидан ташқари) қийматидаги (2019 йилнинг мос даврига нисбатан 2,9 % га камайди) товар ва хизматлар экспорт қилиниши таъминланди.

Экспорт таркибида товарлар улуши 99,3 % ни ташкил этиб, улар асосан материал турига қараб классификацияланган машиналар ва транспорт асбоб ускуналари (30,8 %), турли хил тайёр буюмлар (29,9 %), асосан материал турига қараб классификацияланган саноат товарлари (20,9 %), озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар (11,2 %) ва ноозиқ-овқат ҳом ашё, ёқилғидан ташқари (5,9 %) ҳиссасига тўғри келмоқда.

Экспорт таркиби (ХССТ)
(2020 йил январь-сентябрь, жамига нисбатан % да)



МДХ ва бошқа хорижий давлатларга экспорт таркиби
(2020 йил январь-сентябрь)

| ХССТ таркиби | Минг АҚШ доллари | | | Умумий ҳажмга нисбатан, % да | | |
|--|------------------|------------------|------------------|---------------------------------|-----------------|------------------|
| | Жами | МДХ давлат-лари | Бошқа давлат-лар | Жами | МДХ давлат-лари | Бошқа давлат-лар |
| Жами экспорт | 403 743,0 | 343 832,3 | 59 910,7 | 100,0 | 100,0 | 100,0 |
| шу жумладан: | | | | | | |
| Озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар | 45 282,2 | 43 232,8 | 2 049,4 | 11,2 | 12,6 | 3,4 |
| Ичимлик ва тамаки | 287,2 | 287,2 | - | 0,1 | 0,1 | - |
| Нооziқ-овқат ҳом ашё, ёқилғидан ташқари | 23 817,3 | 18 473,1 | 5 344,2 | 5,9 | 5,4 | 8,9 |
| Минерал ёқилғи, ёғлаш мойлари ва шунга ўхшаш материаллар | 1,6 | 1,6 | - | - | - | - |
| Ҳайвон ва ўсимлик мойлари (ёғлари), ёғлар ва мумлар | 249,6 | 249,6 | - | 0,1 | 0,1 | - |
| Кимёвий воситалар ва бошқа тоифаларга киритилмаган шунга ўхшаш маҳсулотлар | 1 889,4 | 1 385,1 | 504,3 | 0,5 | 0,4 | 0,8 |
| Асосан материал турига қараб классификация-ланган саноат товарлари | 84 567,1 | 37 805,8 | 46 761,2 | 20,9 | 11,0 | 78,1 |
| Машиналар ва транспорт асбоб ускуналар | 124 312,5 | 122 584,2 | 1 728,3 | 30,8 | 35,7 | 2,9 |
| Турли хил тайёр буюмлар | 120 657,5 | 117 546,6 | 3 110,8 | 29,9 | 34,2 | 5,2 |
| Хизматлар | 2 678,5 | 2 266,0 | 412,5 | 0,6 | 0,7 | 0,7 |

МДХ ва бошқа мамлакатларга экспортнинг йўналиши бўйича фарқланишлар мавжудлиги кузатишда. Хусусан, МДХ мамлакатларига экспортнинг асосий қисми қора ва рангли металллар ҳиссасига тўғри келмоқда, кейинги ўринларда экспорт ҳажми бўйича машина ва ускуналар ва классификацияланган саноат товарлари, турли хил тайёр буюмлар ҳамда хизматларга тўғри келмоқда.


МДХ ва бошқа хорижий давлатларга экспорт таркиби динамикаси
(2020 йил январь-сентябрь)

| ХССТ таркиби | 2019 йилнинг январь-сентябрга нисбатан, % да | | |
|--|--|----------------|-----------------|
| | Жами | МДХ давлатлари | Бошқа давлатлар |
| Жами | 97,1 | 115,7 | 50,5 |
| шу жумладан: | | | |
| Озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар | 53,0 | 57,9 | 18,8 |
| Ичимлик ва тамаки | 2,1 м. | 2,1 м. | - |
| Ноозиқ-овқат ҳом ашё, ёқилғидан ташқари | 80,0 | 81,0 | 76,6 |
| Минерал ёқилғи, ёғлаш мойлари ва шунга ўхшаш материаллар | 28,1 | 28,1 | - |
| Ҳайвон ва ўсимлик мойлари (ёғлари), ёғлар ва мумлар | 43,8 | 43,8 | - |
| Кимёвий воситалар ва бошқа тоифаларга киритилмаган шунга ўхшаш маҳсулотлар | 191,9 | 140,9 | 302,7 м. |
| Асосан материал турига қараб классификация-ланган саноат товарлари | 67,2 | 128,2 | 48,6 |
| Машиналар ва транспорт асбоб ускуналар | 136,8 | 138,7 | 68,0 |
| Турли хил тайёр буюмлар | 152,6 | 151,2 | 2,4 м. |
| Хизматлар | 89,7 | 97,5 | 62,2 |

2020 йил январь-сентябрь ойларида экспорт қилинган товарлар ва хизматлар таркибининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, товарлар ва хизматлар таркибида сезиларли ўзгаришлар қайд этилмади, бироқ шуни таъкидлаш жоизки, 2019 йилнинг январь-сентябрга нисбатан, озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар, ноозиқ-овқат ҳом ашё, ёқилғидан ташқари, Минерал ёқилғи, ёғлаш мойлари ва шунга ўхшаш материаллар ва асосан материал турига қараб классификацияланган саноат товарларидан ташқари барча товар гуруҳларида ўсиш кузатилди.

Сўнгги уч йилда МДХ мамлакатларига экспорт ҳажми ошди ва уларнинг жами экспортдаги улуши 2018 йил январь-сентябрдаги 67,2 % дан 2020 йилнинг январь-сентябрида 85,2 % га етди. Мос равишда бошқа мамлакатларнинг жами экспортдаги улуши 14,8 % ни ташкил этди.

МДХ ва бошқа хорижий давлатларга экспорт таркиби динамикаси
(2020 йил январь-сентябрь, млн. АҚШ доллар, улуш, % да)




2020 йилнинг январь-сентябрь ойлари якунида товар ва хизматлар экспорти бўйича асосий ҳамкор давлатлар таркибида Қирғиз Республикаси (40,1 %), Қозоғистон (26,8 %), Россия Федерацияси (экспорт умумий ҳажмининг 13,2 %), Хитой Халқ Республикаси (10,6 %), Украина (2,0 %), Туркия (1,9 %) ва Озарбайжон (1,8 %) давлатлари сақланиб қолмоқда, ҳамда уларнинг жами экспортдаги улуши 96,4 % ни ташкил этмоқда.

Андижон вилоятининг айрим давлатлар билан экспорт таркиби (2020 йил январь-сентябрь, улуш, % да)

Товар ва экспорт хизматлар бўйича еттита асосий ҳамкор давлатлардан етакчи бўлган Қирғиз Республикаси, Қозоғистон, Россия Федерацияси экспортдаги улуши бўйича пешқадамликни олди.

Ҳамкор мамлакатларнинг товарлар ва хизматлар экспорти бўйича географияси 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 43 давлатдан 50 давлатга кўпайди.



| Асосий ҳамкор давлатлар | Экспорт | Ўсиш суръати, % да |
|-------------------------|---------|-----------------------|
| Қирғиз Республикаси | 161,9 | 112,5 |
| Қозоғистон | 108,2 | 123,4 |
| Россия Федерацияси | 53,2 | 103,4 |
| Хитой Халқ Республикаси | 42,6 | 44,7 |
| Украина | 8,2 | 153,5 |
| Туркия | 7,9 | 72,5 |
| Озарбайжон | 7,2 | 302,0 |

Мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти
(2020 йил январь-сентябрь, минг АҚШ доллар)

Озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий қисми бўлган 43,3 млн. АҚШ доллар қийматли 66,6 минг тоннадан зиёд мева-сабзавотлар экспорт қилинган. Бунда 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 36,4 млн. АҚШ долларида пастлашиш кузатилиб, 45,7 % га камайди. Мева-сабзавот маҳсулотларининг экспорт таркибига қаралса, 12,2 млн. АҚШ долларига тенг 32,6 минг тонна сабзавот, шунингдек, 14,2 млн. АҚШ доллари қийматидаги 13,0 минг тонна мева ва резаворлар экспорт қилинди.

Ҳукумат томонидан қишлоқ хўжалиги ва боғдорчиликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани боис экспорт қилинаётган мева ва сабзавотларнинг улуши 10,7 % ни ташкил этди.




Мева ва сабзавот маҳсулотларининг асосий экспорт бозорлари улуш ҳисобида, Қирғиз Республикаси (65,7 %), Россия Федерацияси (19,0 %), Қозоғистон (10,5 %), Сурия Араб Республикаси (1,2 %), Туркия (0,7 %) ва Ироқ (0,7) давлатлари ҳиссасига тўғри келган.

Андижон вилоятининг импорти

2020 йил январь-сентябрь ойларида импорт ҳажми 1 597,2 млн. АҚШ доллари ва 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 5,4 % га ўсди.

Импорт таркибида энг катта улуш, машина ва транспорт асбоб ускуналари (63,1 %), асосан материал турига қараб классификацияланган саноат товарлари (19,2 %), турли хил тайёр буюмлар (5,6 %), шунингдек хизматлар (4,3 %) га тўғри келди.

Импорт таркиби (ХССТ)
(2020 йил январь-сентябрь, жамига нисбатан % да)



Товар ва хизматлар импорти динамикаси таҳлиliga кўра, 2020 йилнинг январь-сентябрида импорт қилинган товарлар ҳажми, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 82,2 млн. АҚШ долларига ўсди ва 1 597,2 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Хизматлар импорти эса 69,0 млн. АҚШ долларига етди.

МДХ ва бошқа хорижий давлатларга импорт таркиби
(2020 йил январь-сентябрь)



| ХССТ таркиби | Минг АҚШ доллари | | | Умумий ҳажмга нисбатан, % да | | |
|--|--------------------|------------------|--------------------|------------------------------|----------------|-----------------|
| | Жами | МДХ давлатлари | Бошқа давлатлар | Жами | МДХ давлатлари | Бошқа давлатлар |
| Жами экспорт | 1 597 147,0 | 184 886,9 | 1 412 260,2 | 100,0 | 100,0 | 100,0 |
| шу жумладан: | | | | | | |
| Озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар | 15 081,9 | 5 717,3 | 9 364,7 | 0,9 | 3,1 | 0,7 |
| Ичимлик ва тамаки | 38,4 | 28,9 | 9,5 | 0,0 | 0,0 | - |
| Ноозиқ-овқат ҳом ашё, ёқилғидан ташқари | 20 810,5 | 15 188,2 | 5 622,3 | 1,3 | 8,2 | 0,4 |
| Минерал ёқилғи, ёғлаш мойлари ва шунга ўхшаш материаллар | 8 858,7 | 7 388,4 | 1 470,3 | 0,6 | 4,0 | 0,1 |
| Ҳайвон ва ўсимлик мойлари (ёғлари), ёғлар ва мумлар | 1 979,8 | 1 979,8 | - | 0,1 | 1,1 | - |
| Кимёвий воситалар ва бошқа тоифаларга киритилмаган шунга ўхшаш маҳсулотлар | 78 532,1 | 10 995,0 | 67 537,1 | 4,9 | 5,9 | 4,8 |
| Асосан материал турига қараб классификацияланган саноат товарлари | 307 129,5 | 105 624,3 | 201 505,1 | 19,2 | 57,1 | 14,3 |
| Машиналар ва транспорт асбоб-ускуналар | 1 006 838,4 | 36 847,8 | 969 990,6 | 63,0 | 19,9 | 68,7 |
| Турли хил тайёр буюмлар | 88 862,8 | 355,6 | 88 507,1 | 5,6 | 0,2 | 6,3 |
| Хизматлар | 69 014,9 | 761,4 | 68 253,5 | 4,3 | 0,4 | 4,8 |

Импортнинг энг катта улуши, жумладан, асосан материал турига қараб классификацияланган саноат товарлари (57,1 %) ҳамда ноозиқ-овқат ҳом ашё, (ёқилғидан ташқари) (8,2 %) МДХ мамлакатларига тўғри келади, бошқа хорижий мамлакатларга эса энг катта улуш машиналар ва асбоб-ускуналар (68,7 %), саноат товарлари (14,3 %) ва турли хил тайёр буюмлар (6,3 %) ҳиссасига тўғри келади.

МДХ ва бошқа хорижий давлатлардан импортнинг ўсиш суръатлари
(2020 йил январь-сентябрь)

| ХССТ таркиби | 2019 йил январь-сентябрга нисбатан, % да | | |
|--|--|----------------|-----------------|
| | Жами | МДХ давлатлари | Бошқа давлатлар |
| Жами | 105,4 | 110,5 | 104,8 |
| шу жумладан: | | | |
| Озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик хайвонлар | 97,4 | 66,3 | 136,3 |
| Ичимлик ва тамаки | 94,7 | 71,3 | - |
| Нооziқ-овқат ҳом ашё, ёқилғидан ташқари | 171,6 | 185,1 | 143,3 |
| Минерал ёқилғи, ёғлаш мойлари ва шунга ўхшаш материаллар | 102,1 | 102,2 | - |
| Ҳайвон ва ўсимлик мойлари (ёғлари), ёғлар ва мумлар | 226,4 | 240,6 | - |
| Кимёвий воситалар ва бошқа тоифаларга киритилмаган шунга ўхшаш маҳсулотлар | 98,4 | 87,1 | 100,6 |
| Асосан материал турига қараб классификацияланган саноат товарлари | 104,8 | 108,6 | 102,9 |
| Машиналар ва транспорт асбоб ускуналар | 112,1 | 147,4 | 111,1 |
| Турли хил тайёр буюмлар | 100,5 | 7,8 | 105,5 |
| Хизматлар | 58,2 | 25,3 | 59,1 |


МДХ ва бошқа хорижий давлатларга экспорт таркиби динамикаси
(2020 йил январь-сентябрь, млн. АҚШ доллар, улуш, % да)



Ҳисобот даври якунига кўра, импорт бўйича ҳамкор давлатлар орасида Корея Республикаси умумий импорт ҳажмида 63,2 % улуши билан Россия Федерациясини (9,5 %) ортда қолдирган ҳолда, биринчи ўринни эгаллаб келмоқда.

**Андижон вилоятининг айрим давлатлар билан импорт таркиби, % да
(2020 йил январь-сентябрь)**

2020 йил январь-сентябрь ойлари якуни бўйича Андижон вилояти томонидан 64 давлат билан товарлар ва хизматлар импорти амалга оширилди.



Етти йирик ҳамкор давлатлар (Корея Республикаси, ХХР, Россия Федерацияси, Туркия, Таиланд, Чехия ва Бразилия) жами импортнинг 93,0 фоизини ташкил қилади, бу 1 485,6 млн. АҚШ долларини ташкил этади.

Вилоятдаги сармоявий муҳит яхшилангани сари ушбу соҳада амалга оширилган ислохотлар натижасида машина ва ускуналар, шунингдек, уларнинг қисмлари импортнинг ўсиши табиийдир. Шундай қилиб, Корея Республикаси, Россия Федерацияси, ХХР ва Таиланд томонидан киритилган катта ҳажмдаги инвестициялар натижасида, маҳсулотлар импорти ҳажмида ушбу мамлакатларнинг юқори улуши сақланиб қолмоқда.

Машина ва ускуналар импорти динамикаси
(2020 йил январь-сентябрь, млн. АҚШ доллари)

2020 йил январь-сентябрь ойлари якуни билан 1 006,8 млн. АҚШ доллари миқдорида машина ва транспорт асбоб-ускуналари импорти амалга оширилган бўлиб, умумий импорт ҳажмининг 63,0 фоизини ташкил қилди.

Импорт қилинган ушбу соҳада автомобиллар (114,7 %), саноат учун махсус бўлмаган машиналар ва уларнинг деталлари (9,6 %), аниқ соҳалар учун махсус мўлжалланган машиналар (9,3 %) эгаллаган.

| Машина ва ускуналар | Млн. АҚШ доллари | |
|---|------------------|----------|
| | 2019 йил | 2020 йил |
| Автомобиллар | 641,8 | 736,0 |
| Саноат учун махсус бўлмаган машиналар ва уларнинг деталлари | 102,0 | 93,5 |
| Аниқ соҳалар учун махсус мўлжалланган машиналар | 71,5 | 96,7 |

Жорий йилнинг январь-сентябрь ойлари якунларига кўра, машина ва ускуналар импорти 2019 йил январь-сентябрь ойлариغا нисбатан ўсиш (35,2 %) қайд этилди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, давлатимиз томонидан саноат соҳасининг автомобилсозлик тизими бутловчи қисмлари импорти ўрнини босувчи товар ва маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳамда ички бозорни сифатли ва арзон автомобил билан таъминлаш бўйича бир қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда.